

КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР АХБОРОТЛАРИ АСОСИДА КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ

Абдужаборова Маъмурда Тошмуҳамадовна

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кафедра доценти

Ёзишмалар учун электрон почта: maamura@bk.ru

Аннотация

Мазкур мақолада комплекс баҳолаш тушунчаси ва унинг мазмуни, таҳлил этиш методикаси келтирилган. Корхоналар молиявий ҳолатини комплекс баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими ва уларнинг меъёр даражаси ўрганилган. Тадқиқотлар асосида молиявий ҳолатни комплекс баҳолаш бўйича хуносалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: комплекс баҳолаш, рейтинг баҳолаш, баллик баҳолаш, молиявий коэффициентлар, молиявий ҳисоботлар, молиявий ҳолат.

Кириш

Бугунги кунда корхоналарнинг молиявий ҳолатининг комплекс таҳлили жуда долзарб масала ҳисобланади. Молиявий ҳолат ўз фаолиятини молиятириш имкониятини англатади. Молиявий ҳолат микдоран кўрсаткичлар тизими билан ўлчанади, унинг асосида комплекс баҳолаш амалга оширилади.

Молиявий ҳолат корхона иқтисодий фаолиятининг муҳим тавсифидир. У рақобатбардошликни белгилайди, корхона ва унинг ҳамкорларининг иқтисодий манфаатлари молиявий ва ишлаб чиқариш муносабатларида қай даражада кафолатланганлигини баҳолайди[2].

Молиявий ҳолат корхона барча фаолият турларининг натижасидир. Корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва ташхис қўйиш мулк эгаларини фаолият учун хавфли бўлган ҳолатлардан огоҳ этувчи ўзига хос тизим ҳисобланади. Шу боис корхона раҳбарияти иқтисодий субъектлар билан ҳамкорликда антикризис бошқарувининг муҳим элементи сифатида корхона молиявий ҳолатини комплекс таҳлил қилиш тизимини жорий этиши лозим.

Адабиётлар шархи

Корхоналар молиявий ҳолатини комплекс баҳолаш тушунчаси илмий адабиётлар ва нашрларда узоқ даврлар давомида талқин этилаётган тушунча ҳисобланади, қуйидаги

жадвалларда турли иқтисодчи олимларнинг мазкур тушунчага берган таърифи келтирилган(-жадвал):

1-жадвал

Молиявий ҳолатни комплекс ҳолати тушунчасига ёндошувлар[3]

№	Муаллиф	Изоҳ
1.	Г.В.Савицкая	Корхона молиявий ҳолатини, шунингдек унинг шаклланишига таъсир этувчи омилларни комплекс тизимли ўрганишdir.
2.	И.Т.Балабанов	Тавсия қилинадиган ҳақиқий даражасига мувофиқлиги нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда молиявий таҳлил натижасида олинган ҳар бир кўрсаткични алоҳида ўрганиш, шунингдек кўрсаткичининг бўлғуси истиқболи ва унга эришиш усувлари учун зарур микдорига таъсир этадиган омилларни аниqlашdir.
3.	В.В.Ковалев	Салоҳиятли фойдаланувчига муайян корхона билан боғлиқ бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қила оладиган тавсиялар бериши мумкин бўлган молиявий характердаги ахборотларни идентификация қилиш, тизимга солиш ва аналитик қайта ишлаш жараёнидир.
4.	А.Г. Грязнова	Ўтган давомида тўпланган маълумотлар асосида кузатиш, қиёслаш, комплекс баҳолаш, баллик баҳолаш, тизимли ёндашув ҳамда мантиқий ёндашув каби услублардан самарали фойдаланилди.
5.	Т.С.Новашина	Хўжалик субъектининг молиявий фаолияти ҳақидаги ахборотни қайта ишлаш учун қўлланиладиган илмий тадқиқот методи.


Тадқиқот методологияси

Тадқиқот давомида тўпланган маълумотлар асосида кузатиш, қиёслаш, комплекс баҳолаш, баллик баҳолаш, тизимли ёндашув ҳамда мантиқий ёндашув каби услублардан самарали фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Корхона фаолиятига комплекс баҳо бериш учун унинг фаолияти билан боғлиқ барча кўрсаткичлар ҳисобланиши ва таҳлил қилиниши лозим.

Корхона молиявий ҳолатини комплекс баҳолашни ўтказиш босқичлари



1-расм. Корхона молиявий ҳолатини комплекс баҳолашни ўтказиш босқичлари[3]

Якунловчи босқич корхона молиявий ҳолатини комплекс баҳолашни ўтказиш мазмунини белгилайди. У корхонани бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида хатога йўл қўймаслик ва банкротликни четлаб ўтиш имконини ўз ичига олади.

Шунингдек, Г.В.Савицкая томонидан комплекс таҳлилни ўтказишнинг қуидаги методикаси таклиф қилинади(2-жадвал).

2-жадвал

Комплексни таҳлилни ўтказиш методикаси[5]

Босқичлар	Изоҳ	
1	Бухгалтерия баланси маълумотларининг таркиби, тузилиши ва динамикасини баҳолаш	Горизонтал таҳлил
		Вертикал таҳлил
2	Корхона тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлиги таҳлили	Молиявий коэффициентлар хисоб-китоби
3	Корхона иш активлиги ва рентабеллиги таҳлили	
4	Корхона молиявий ҳолатини рейтинг баҳолаш	

Тадқиқотлардан кўринадики, корхонанинг молиявий ҳолатини комплекс баҳолашнинг икки йўналиши мавжуд:

молиявий ҳолатни рейтинг баҳолаш;

молиявий коэффициентлар асосида баллик баҳолаш.

Корхона молиявий ҳолатини баллик баҳолаш молиявий коэффициентларнинг миқдори ва улар бўйича белгиланган балл асосида ҳар қандай корхонани маълум синфга ажратиш имконини беради[6].

Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш самарадорлиги нутқи назаридан молиявий коэффициентлар:

максимал ахборот бериши ва корхона молиявий ҳолати барқарорлиги манзарасини акс эттириши лозим;

иқтисодий мазмунда бир хил йўналишга эга бўлиши лозим, жумладан муайян коэффициентнинг ошиши молиявий ҳолатнинг яхшиланиши, камайиши ёмонлашишини англашиши лозим;

имкон қадар минимал миқдорий ўлчамга эга бўлиши лозим;

расмий ахборот асосида ҳисоблаш имкони бўлиши лозим;

тармоқ ичидаги хўжалик субъектлари кўрсаткичлари ва давр бўйича солиштириш имконини бериши лозим.

Корхона молиявий ҳолатини баллик баҳолаш молиявий коэффициентларнинг миқдори ва улар бўйича белгиланган балл асосида ҳар қандай корхонани маълум синфга ажратиш имконини беради[6].

1 синф – мутлақ молиявий барқарор ва тўловга қобилиятли корхоналар. Уларда мулк ва унинг манбаларининг структураси оқилона жойлаштирилган;

2 синф – нормал молиявий ҳолатга эга корхоналар. Ундаги коэффициентлар оптимал миқдорга тенг бўлади, бироқ айрим коэффициентлар бўйича орқада қолиши мумкин. Кредиторлик қарзларининг бошқа қарз манбалари, дебиторлик мажбуриятлари ҳажмининг ўсиш динамикаси га

нисбатан кўпроқ ўсиши қузатилади. Одатда улар рентабелли корхоналардир.

3 синф – ўрта молиявий ҳолатдаги корхоналар. Тўловга қобилиятлилик минимал микдорда, молиявий барқарорлик нормал. Мазкур синфда бошқа ҳолат ҳам қузатилиши мумкин: молиялаштиришнинг қарз маблағлари ҳисобига нобарқарор молиявий ҳолат, бироқ жорий даврда тўловга қобилиятлиликни сақлаб қолган ҳолда. Ушбу корхоналар томонидан ўз мажбуриятларини бажариш шубҳали ҳисобланади.

4 синф – нобарқарор молиявий ҳолатдаги корхоналар. Капитал структураси қониқарсиз, тўловга қобилиятлилик паст кўрсаткичга эга. Одатда фойдага эришилмайди.

5 синф – кризис молиявий ҳолатдаги корхоналар. Молиявий нуқтаи назардан улар тўловга қобилиятсиз ва мутлақ нобарқарор, шунингдек зарар кўриб ишлайди.

3-жадвал

Молиявий ҳолатни баллик баҳолаш

Кўрсаткичлар	Синфлар				
	1 синф	2 синф	3 синф	4 синф	5 синф
Мутлақ ликвидлилик коэффициенти	$\geq 0,7$ (14 балл)	0,5-0,69 (10-13,8 балл)	0,3-0,49 (6-9,8 балл)	0,1-0,29 (2-5,8 балл)	$<0,1$ (0-1,8 балл)
Тез ликвидлилик коэффициенти	≥ 1 (11 балл)	0,8-0,99 (7-10,8 балл)	0,7-0,79 (5-6,8 балл)	0,6-0,69 (3-4,8 балл)	$<0,59$ (0-2,8 балл)
Жорий ликвидлилик коэффициенти	≥ 2 (20 балл) 1,7-2 (19 балл)	1,5-1,69 (13-18,7 балл)	1,3-1,49 (7-12,7 балл)	1-1,29 (1-6,7 балл)	$<0,99$ (0-0,7 балл)
Ўз маблағларининг активлардаги улуши	$\geq 0,5$ (10 балл)	0,4-0,49 (7-9 балл)	0,3-0,39 (4-6,5 балл)	0,2-0,29 (1-3,5 балл)	$<0,2$ (0-0,5 балл)
Ўз маблағлари билиан таъминланганлик коэффициенти	$\geq 0,5$ (12,5 балл)	0,4-0,49 (9,5-12,2 балл)	0,2-0,39 (3,5-9,2 балл)	0,1-0,19 (0,5-3,2 балл)	$<0,1$ (0,2 балл)
Капитализация коэффициенти	$<0,7$ (17,5 балл); 0,7-1 (17,1-17,4 балл)	1,01-1,22 (10,7-17 балл)	1,23-1,44 (4,1-10,4 балл)	1,45-1,56 (0,5-3,8 балл)	$\geq 1,57$ (0-0,2 балл)
Молиявий мустақиллик коэффициенти	$>0,5-0,6$ (9-10 балл)	0,45-0,49 (6,4-8 балл)	0,4-0,44 (4,4-6 балл)	0,31-0,39 (0,8-4 балл)	$<0,3$ (0-0,4 балл)
Молиявий барқарорлик коэффициенти	$>0,8$ (5 балл)	0,7-0,79 (4 балл)	0,6-0,69 (3 балл)	0,5-0,59 (2 балл)	$<0,49$ (0-1 балл)
Синфлар чегараси	100 (97,6 балл)	93,5 (67,6 балл)	64,4 (37 балл)	33,8 (10,8 балл)	100 (0 балл)

Коэффициентлар ҳисоб-китобида меъёрдан ҳар 0,01 пункт камайишга 0,3 балл чегирилади ва корхоналар синфлар бўйича гурухларга ажратилади:

1 синф: 2 ва ундан кўп – 20 балл; 1,7-2,0 – 19 балл;

2 синф: 1,5-1,69 – 13-18,7 балл;

3 синф: 1,3-1,49 – 7-12,7 балл;

4 синф: 1-1,29 – 1-6,7 балл;

5 синф: 0,99 ва ундан кичик – 0-0,7 балл.

Г.В.Савицкая З та коэффициент асосида корхона молиявий ҳолатини баҳолаш имконини берадиган методикани таклиф этади (4-жадвал).

Корхоналарни синфини белгилаш[5]

4-жадвал

Кўрсаткичлар	Мезонларга мувофиқ синфлар чегараси				
	I синф	II синф	III синф	IV синф	V синф
Умумий капитал рентабелллиги	≥30 (50 балл)	29,9-20 (49,9-35 балл)	19,9-10 (34,9-20 балл)	9,9-1 (19,9-5 балл)	<1 (0 балл)
Жорий ликвидлилик коэффициенти	≥2 (30 балл)	1,99-1,7 (29,9-20 балл)	1,69-1,4 (19,9-10 балл)	1,39-1,1 (9,9-1 балл)	≤1 (0 балл)
Молиявий мустақиллик коэффициенти	≥0,7 (20 балл)	0,69-0,45 (19,9-10 балл)	0,44-0,3 (9,9-5 балл)	0,29-0,2 (4,9-1 балл)	<0,2 (0 балл)
Синфлар чегараси	100	65-99	35-64	6-34	0-5
Тавсифи	Корхона яхши молиявий мустаҳкам лиқ захирасига эга	Қарзларни қоплаш бўйича сезиларсиз эҳтимоллик, яъни риск мавжуд	Корхона муаммоли хисобланади	Банкротликнинг юқори риски мавжуд	Корхона молиявий нобарқарор

Биз томонимиздан тадқиқотларимиз натижаларига таянган ҳолда иқтисодиётнинг турли тармоқ корхоналарининг молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг тизимли модели ишлаб чиқилди. Унда бир неча молиявий коэффициентларни ҳисоб-китоб қилиш орқали молиявий ҳолатга баҳо берилади(5-жадвал):

5-жадвал

Молиявий коэффициентлар ҳисоб-китоби натижалари асосида корхоналар молиявий ҳолатига баҳо беришнинг баллк тизими[1]


№	Кўрсаткичлар номи	1 гурӯҳ	Балл	2 гурӯҳ	Балл	3 гурӯҳ	Балл
1.	Молиявий мустақиллик коэффициенти (K1)	K6>0,75	15	K6>0,5	10	K6<0,5	5

2.	Тўлов қобилияти (қоплаш) коэффициенти (K1)	$K1 \geq 1,25$	15	$K1 \geq 0,75$	10	$K1 \geq 0,25$	5
3.	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти (K2)	$K2 \geq 0,2$	15	$K2 \geq 0,1$	10	$K2 \geq 0$	5
4.	Ўз маблағлари рентабеллиги коэффициенти (K3)	$K3 > 0,2$	15	$K3 > 0,1$	10	$K3 < 0,1$	5
5.	Активлар рентабеллиги коэффициенти (K4)	$K3 > 0,2$	15	$K3 > 0,1$	10	$K3 < 0,1$	5
6.	Ўз ва қарз маблағларининг нисбат коэффициенти (K5)	$K5 > 1$	15	$K5 > 0,5$	10	$K > 0$	5
7.	Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти (K7)	$K7 < 0,5$	10	$K7 = 0,5$	5	$K7 > 0,5$	0

Молиявий ҳолатни баллик баҳолаш методикаларининг таҳлили кўрсатадики, улар турли молиявий коэффициентларни қамраб олган. Шунингдек, айrim ҳоллара молиявий коэффициентларнинг меъёр даражаси ҳам фарқ қиласди.

Корхона рейтинги маълум белгилар ёки кўрсаткичлар асосида корхонанинг тармоқ, мамлакат ичидағи ўрнини белгилашни англаради. Умуман, корхона молиявий ҳолатини рейтинг баҳолаш операцион ва молиявий фаолиятнинг барча муҳим кўрсаткичларини қамраб олган ҳолда бир нечта босқичларда амалга оширилади(-расм):

Корхона молиявий ҳолатини рейтингн баҳолаш босқичлари



2-расм. Корхона молиявий ҳолатини рейтинг баҳолаш босқичлари[4]

Корхоналар молиявий ҳолатини рейтинг баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими бўйича ягона ёндошув мавжуд эмас. Одатда молиявий ҳолат таҳлилида қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

А.Д.Шеремет ва б. рейтинг баҳолаш методикасида түртта гурух қўрсаткичлардан фойдаланилади:

хўжалик фаолияти фойдалигини баҳолаш қўрсаткичлари;
бошқарув самарадорлигини баҳолаш қўрсаткичлари;
иш активлигини баҳолаш қўрсаткичлари;
ликвидлилик ва бозор барқарорлигини баҳолаш қўрсаткичлари.

А.Шеремет ва б. корхоналарни рейтинг баҳолашда қўйидаги формулани тавсия этишади:

$$R = \sum_{i=1}^L \frac{1}{LN_i} K_i,$$

Бу ерда:

L – рейтинг баҳолашда қўрсаткичлар микдори;
N - i коэффициентнинг меъёр даражаси;
K – i коэффициент.

Мазкур қўрсаткичнинг минимал даражаси 1 га teng, 1 дан паст бўлиши молиявий ҳолатнинг кониқарсизлигин ифодалайди.

6-жадвал

Корхоналарни рейтинг баҳолаш қўрсаткичлари тизими[2]

Муаллифлар	Қўрсаткичлар тизими
Л.Е. Басовский, Е.Н. Басовская	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти
	Жорий ликвидлилик коэффициенти
	Активлар айланувчанлиги коэффициенти
	Сотиш рентабеллиги
	Хусусий капитал рентабеллиги
Н.П. Кондраков	Автономия коэффициенти
	Хусусий капиталнинг маневрлилиги коэффициенти
	Айланма маблағларни ўз манбалари билан таъминланганлиги коэффициенти
	Иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги коэффициенти
	Соф тушум коэффициенти
Л.В. Донцова	Мутлақ ликвидлилик коэффициенти
	Тез ликвидлилик коэффициенти
	Жорий ликвидлилик коэффициенти
	Ўз молиялаштириш манбалари билан таъминланганлик коэффициенти
	Молиявий мустақиллик коэффициенти
	Захира ва харажатларни шакллантиришдаги молиявий мустақиллик коэффициенти

Сайфулин Р.С., Кағықов Г.Г. молиявий ҳолатни рейтинг баҳолашда бир қанча молиявий коэффициентлардан фойдаланилади:

айланма активларни ўз манбалари билан таъминланганлик коэффициенти (коэффициентнинг мезони ≥ 1);

жорий ликвидлилик коэффициенти (коэффициентнинг мезони ≥ 2);
авансланган капитал айланиш интенсивлиги (коэффициентнинг мезони $\geq 2,5$);
менежмент коэффициенти (ЯФ/СТ), $\geq (n-1) / r$, (коэффициентнинг мезони ≥ 2);
хусусий капитал рентабеллиги (коэффициентнинг мезони $\geq 0,2$).

Тадқиқотларимиздан кўринадики, корхоналарнинг молиявий ҳолатини комплекс баҳолаш(рейтинг баҳолаш, баллик баҳолаш)да ёндошувларнинг хилма-хиллиги уларни иқтисодий субъектлар манфаатларини уйгунлаштирган ҳолда бир тизимга солишни талаб этади.

Хулоса

Корхонанинг молиявий ҳолатини комплекс баҳолаш:
корхонада ресурслардан фойдаланиш ва уларнинг ҳолатини объектив баҳолаш;
молиявий ҳолатга таъсир этувчи омиллар, уларнинг сабаблари;
капитални шаклланиши ва жойлаштирилишининг йўналиш манбаларини ўрганиш;
хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корхонанинг молиявий ҳолатини яхшилаш бўйича резервларини аниқлаш;
инвестициялар самарадорлигини баҳолаш;
қабул қилинадиган бошқарув қарорларини тайёрлаш ва асослаш;
тармоқ хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда стратегияни аниқлаш имконини беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдужаборова М.Т. Рақамли иқтисодиётни жорий этиш шароитида корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил этиш. International Journal of Finance and Digitalization. www.ijfd.uz ISSN: 2181-3957 Vol. 2, Issue 02, 2023.
2. Бабушкина Е.А. Методика сравнительной рейтинговой оценки финансового состояния по данным финансовой отчетности как важнейший элемент антикризисного управления. Оренбургский государственный университет. <https://www.sworld.com.ua>
3. Данилов И.А., Коденко В.Д. Комплексная оценка финансового состояния предприятия. «Colloquium-journal»#4(56),2020.
4. Маркарьян Э.А. Экономический анализ хозяйственной деятельности: учебник. М.: КНОРУС, 2015. 552 с.
5. Савицкая Г.В. Комплексный анализ хозяйственной деятельности предприятия [Текст]: учебник / Г.В. Савицкая. – 7-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2017. – 608 с.
6. Шеремет А. Д., Сайфулин Р. С., Негашев Е. В. Методика финансового анализа. — М.: ИНФРА-М, 2000; Кукукина И. Г., Астраханцева И. А. Указ. соч. — С. 43-46.